



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 18 декабрь, № 261 (8884)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Хамад Ол Соний билан 17 декабрь куни қилган телефон орқали суҳбатда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ва инвестиция лойиҳаларини илгари суриш масалалари диққат марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қатар Амирини миллий байрам — Давлатга асос солинган кун билан самимий қўллаб-қувватлаш, муваффақиятлар, дўст Қатар халқига эса тинчлик-осойишталик ва раҳна тилади.

Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувлар натижалари ижобий баҳоланди. Жорий йилнинг ноябрь ойида Доха шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши ва бизнес форуми самарали ўтди. Октябрь ойида Тошкент шаҳрида Қатар маданияти ҳафталиги тадбирлари муваффақиятли ташкил этилди.

Қатarning етакчи компаниялари иштирокида энергетика, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Пойтахтлар ўртасида мунтазам тўғридан-тўғри авиакатновлар йўлга қўйилгани ўзaro сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари 2025 йилда бўлажак тадбирлар режасига, шу жумладан, «Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» мулоқотининг иккинчи саммитини ўтказишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Халқaro кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.



НУРАФШОН КЕЛАЖАК САРИ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР

Наинки инсоният, балки жамики мавжудот нурсиз, зиёсиз яшолмайди. Қалбдаги ёруғлик, оламдаги чароғонлик барча эзгуликнинг, бунёдкорликларнинг асосидир. Шу маънода, шаҳару қишлоқларимизнинг нурафшон бўлиши, хонадонларимиздан доим зиё таралиб туриши мамлакатимиздаги фаровонликдан, тинчлик-осудалик ва фароғатдан нишона.

Нигоҳ

Яқинда пойтахтимизда Президентимиз иштирокида янги энергетика қувватлари ишга туширилишига ва қатор объектлар қурилиши бошланганига бағишланган тантанали маросимда қатнашар эканман, кўнглимда ана шундай ёруғ ўйлар, туйғулар жўш урди. Мамлакатимиз ҳаётидаги чинакам тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимдан ҳаяжонга тушдим. Ишончим комилки, бу жараёнлар Янги Ўзбекистон йилномаларига олтин ҳарфлар билан ёзилади.

Мазкур воқелик нафақат мени, балки ушбу ажойиб тадбир иштирокчиларини, шунингдек, маросимни ҳудудлардан ёки телевизор экранлари орқали кузатганларни ҳам ҳайратга солди — 18 та объектнинг фойдаланишга топширилиши ва яна олтига лойиҳа доирасида қурилишнинг бошланиши! “Ҳеч шубҳасиз, кўз ўнгимизда фахрланишга арзигулик воқеалар содир бўлмоқда!”, “Бу лойиҳалар келгусида иқтисодиётнинг чинакам таянчи бўлади!”, “Иқтисодиёти барқарор мамлакатнинг аҳолиси ҳам фаровон яшайди!”. Юзлаб хорижий меҳмонлар, соҳа экспертлари ва мутахассислари юз-кўзидаги ана шу маъно, ҳайрат ва ҳавас, самимий эътирофлар мамлакатимиз узоқни кўзлаб танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини, барча белгиланган мақсадларга муқаррар эришаётиганини яна бир бор тасдиқлади.



3

Олий Мажлис Сенатида

КУН ТАРТИБИДА – МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисини 2024 йил 18 декабрь куни қақариш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган. “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги, “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Сенаторлар ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, “Космик фаолият тўғрисида”ги, “Ипотека кредити бозори янада ри-

вожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонунларни ҳам кўриб чиқади.

Шунингдек, кун тартибидан “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари қўйиш тўғрисида”ги қонунлар ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонунлар ҳам муҳокама этилади.

Шу билан бирга, сенаторлар Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг бир қатор қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМИ ВА АНИҚ ЧОРАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Унда қуйи палата Спикери Н. Исмоилов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим жараёнларга тўхталиб ўтди. Президентимиз раҳбарлигида йил якунида ўтказиладиган йиғилишларда тегишли соҳалардаги ишлар танқидий-таҳлилий асосда сарҳисоб этилиб, устувор вазифалар белгилаб берилаётгани ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилишини қайд этди. Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси ҳам келгусида тегишли соҳаларда амалга ошириладиган аниқ вазифаларни белгилаб олаётганига урғу берди. Хусусан, Кенгаз аъзолари билан мазкур видеоселектор йиғилишларидан келиб чиқадиган масалалар алоҳида муҳокама қилинганлиги, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўз вақтида рўёбга чиқарилиши парламент аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши таъкидланди.

Бунда, аввало, тегишли соҳаларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, қўмиталарнинг ўз йўналишларидан келиб

чиқиб вазирликлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, жойларда назорат-таҳлил тартибидида ўрганишлар олиб бориш муҳимлигига эътибор қаратилди. Қолаверса, фракциялар ўз партиялари билан биргаликда ижтимоий ҳимоя тизими, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича қарорлар ва ташаббусларни амалга оширишга доир тадбирларни қўйиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Мажлисида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш, тезкор-қидирлар ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини янада қўйишга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



2

ДАЪВАТ

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб зикр қил.
Бирни кўриб ўқинсанг,
Бирни кўриб шукр қил.

Ҳаёт — сабру бардошдир,
Неъматлари талошдир.
Гоҳи кўзингда ёшдир —
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Ота-бобонг оч-наҳор,
Меҳрга зор, нонга зор,
Қийналган қунларинг бор.
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Дунёга боқ — кенг маскан,
Хордир қанча жону тан,
Ким юпун, ким беватан,
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Ўз юртингда — лолалар,
Беланчаклар, аллалар,
Бетакрор бу паллалар —
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Бугдойзор шу тупроғинг,
Кўзга сурт ҳар бошоғин,
Жаннатдир ҳар бир чоғинг —
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Инсон умри ганимат,
Ганиматдир ҳар неъмат,
Тириклик — катта давлат —
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Ичиб бўлмай жомингни,
Ярат яхши номингни.
Юрт кўрсин қамолдингни —
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

Элда қанча ному ёд,
Ўғил-қиздандир мурод.
Ҳар кун уқтирар ҳаёт:
Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.

«КУЧЛИ КЕНГАШ, ҲИСОБДОР ВА ТАШАББУСКОР ҲОКИМ»

Хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари учун маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ривожланиши, маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниш принципи бўйича конституциявий нормаларнинг жорий қилиниши ҳамда соҳага оид ислохотлар юзасидан ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Семинар

Видеоконференцалоқа шаклида бошланган ўқув семинарларида

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Андижон, Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳамда ушбу ҳудудларнинг туман ва ша-

ҳар Кенгашлари депутатлари қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз нутқида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнига, жорий йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган

парламент палаталарининг мажлисларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларга ва бу борада вакиллик органларининг ролига тўхталиб ўтди.

Маҳаллий Кенгашлар ишини самарали ташкил этиш, хусусан, норма ижодкорлигига оид фаолиятни такомиллаштириш, қарор қабул қилишда қонунийликни таъминлаш,

назорат-таҳлил фаолиятини қўйиш, маҳаллий бюджетни шакллантиришда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда “маҳалла еттичилиги” ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.



2



Муаммоларни ҳал этишнинг аниқ режаси

Олий лавозимдаги фаолиятининг илк кунлариданоқ Президент Шавкат Мирзиёев энергетик мустақилликка эришмасдан туриб, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш имконсиз эканини таъкидлаган эди.

Мазкур фикрнинг долзарблигини тушуниш учун ўша йиллардаги вазиятни эслаш керак. Ўша пайтда республикадаги умумий энергетик қувватлар таъминан 12,9 гигаваттни ташкил этарди. Шу билан бирга, иссиқлик электр станцияларининг аксарият энергоблоклари эскирган бўлиб, уларнинг фойдали иш коэффициенти паст ва ёқилги сарфи юқори эди. Қуёш энергиясининг улкан салоҳияти мавжуд бўлишига қарамай республикада саноат миқёсидаги қуёш фотоэлектр станциялари ва шомол электр станциялари мавжуд эмасди.

2012 йилдан 2019 йилгача даврда электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик ўртача 2,6 фоизга ошганига қарамай, бу мавжуд талабни қондира олмади ва эҳтиёжнинг таъминан 9,4 фоиз қопланмай қолди. Шу билан бирга, 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергияси истеъмоли йиллик олти-етти фоиз да- ражасида ўсиши прогноз қилинган эди. Ўшбу талабларга жавоб бериш учун 2030 йилга бориб 120,8 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши талаб этиларди, яъни 2018 йилда ишлаб чиқарилган миқдордан 1,9 баравар кўпроқ.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, давлат раҳбари 2018 йилдаги йиғилишларнинг бирида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг деярли 85 фоизи иссиқлик электр станциялари улушига тўғри келарди. Бу жараён учун 16,5 млрд. кубометр табиий газ ва 2,3 млн. тонна кўмир сарфланмоқда эди. Аммо бу каби ёндашув захираларнинг тугашига олиб келиши мукар- рар эди. Президент айтганидек, бу келажак авлодлар олдида кечириб бўлмас хато ва жиноятдир.

Буни чуқур англаган давлат раҳбари аниқ мақсадни белгилади — қайта тикланувчи энергия манбаларига эътибор қаратган ҳолда генерация қувватлари- ни жадаллик билан ошириш, энергия таъминоти инфратузилмасини модер- низация қилиш ва такомиллаштириш, энергия самарадорлигини юксалти- риш! Президент соҳанинг трансфор- мацияси бўйича қатор ташаббусларни илгари суриб, уларни амалга ошириш йўлидаги изчил қадамларни белгилаб берди.

Аҳамиятлиси, “яшил” энергетика эко- логияни бузмайди. Чикинди ҳосил қил- майди, атрофни ифлослантирмайди. Манбалари қайта тикланади. Энг муҳи- ми, табиат ғўзаллигига зиён етказмай- ди, мусаффо ҳавони бўлғамайди.

Аслида она табиятга меҳр-муҳаб- бат халқимиз тийнатида бор, қонимиз- га сингиб кетган. Аждодларимиз бори- лқни асраб-авайлашни қадрият да- ражасига кўтарган. Асарларида таран- нум этган. Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз тоғларни ўйиб, адирга сув чиқарган, водийга обихаёт бахш эт- ган Фарҳод тиссолида қомил инсон госянин илгари сурган.

Атоқли шоир Ҳамид Олимжон: *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда. Чанпар уриб гуллаган боғин, Улар эдим Ватан тупроғин,* деб ёзаркан, табиятдаги софлик, беғуборлик, поклик, ободлиқни ал- қаган. Меҳрини, муҳаббатини изҳор этган.

Бугун аждодларимизнинг эзгу анъ- аналарини давом эттирган ҳолда та- биатга, мулки борлиққа эътибор ва ғамхўрлик янги Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентнинг томонидан 2025 йил- нинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилингани, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қўлаамзор

худудларни кенгайтириш, биохилма- хилликни асрашга урғу берилаётгани бу борадаги ишлар нақадар кенг қўлам касб этганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилин- ган 2020 — 2030 йилларда Ўзбекис- тон Республикасини электр энергия- си билан таъминлаш концепцияси ай- нан “яшил” иқтисодиётни ривож- лантириш мақсадига ҳамоҳанглиги билан диққатни тортади. Ўшбу концеп- ция энергетик мустақилликни таъмин- лаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларини белгилаб берди. Соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш- дан тортиб, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган талабни қондиришга қаратилган аниқ чораларгача бўлган масалаларни ўз ичига олди.

Ўшбу муҳим ҳужжатда, хусусан, электр энергияси ишлаб чиқаришни 63,6 млрд. киловатт-соатдан 120,8 млрд. киловатт-соатга ошириш вазифа- сининг ечими белгиланди. Шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг деярли икки баробар оширилиши билан бу мақсадлар учун ишлатилади- ган табиий газни 16,5 млрд. кубометр- дан 12,1 млрд. кубометрга қисқарти- риш, электр энергиясини узатиш ҳамда тақсимлаш жараёнидаги йўқотишларни сезиларли даражада камайтириш назарда тутилган.

Концепцияда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожланти- ришга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, гидроэнергетика соҳасида 62 та лойиҳани амалга ошириш режа- лаштирилмоқда, улардан 35 таси янги ГЭС қурилиши ва 27 таси мавжуд ГЭС- ни модернизация қилишни назарда ту- тади. Бу эса 2030 йилга бориб гидро- электростанцияларнинг умумий қув- ватини 3785 МВт га етказиш ва сув ҳисобига ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажмини 13,1 млрд. кило- ватт-соатга кўпайтириш имконини беради. Бошқача айтганда, ўшиш 2019 йилдагига нисбатан 2,2 баро- бар кўндр.

Алоҳида эътибор қуёш ва шомол энергияси асосидаги генерацияни ри- вожлантиришга қаратилди. 2020 — 2030 йиллар оралиғида ҳар йили жо- рий этиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари қувватларининг маълум мақсадли параметрлари бўйи- ча 3 гигаваатт шомол ва 5 гигаваатт қуёш электр станциялари барпо эти- лиши назарда тутилган.

Агар шомол энергетикасида асосий йўналиш 100 — 500 МВт қувватга эга йирик шомол паркларини яратиш деб белгиланган бўлса, қуёш фотоэлектр станцияларини турли қувватларда қуриш режалаштирилган. Йириклари 100 — 500 МВт бўлиб, улар саноат миқёсида энергия сақлаш тизимлари билан босқичма-босқич жиҳозланади. Ўрта қувватга эга бўлганлари 20 МВтгача бўлиб, саноат корхонала- ри ва индустриал паркларда ўз эҳтиёжлари учун электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ки- чик қувватли қуёш фотоэлектр стан- циялари эса мамлакатнинг олис ва етйб бориш қийин аҳоли яшаш пункт- ларида, шунингдек, айрим объектлар, бинолар ва тураржойлар худудида барпо этилади.

Белгиланган концепция амалга оширилиши Ўзбекистон энергетик хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади, чунки 2030 йилга бориб мамлакатда энергия истеъмоли деяр- ли икки баробар ошиши прогноз қилинмоқда.

Ислохотларга ишонч ифодаси

Бугунги кунда қўлаб мамлакатлар- да саноат корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари, тураржой биноларини энергия ресурслари билан таъминлаш- даги муаммолар, айна пайтда электр энергияси нархининг тез суръатлар билан ошиб бораётгани ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканмиз, кейинги йилларда Президентимизнинг соҳага доир қарорлари ўз вақтида қабул қилинганини муносиб баҳола- шимиз керак. Аммо бу қарорлар

ҳақиқий ҳаракатга айланиши учун жуда катта куч сарфлашга тўғри келди.

Кўзланган мақсадга эришиш йўли- да биз дуч келган ва енгиб ўтишимиз керак бўлган энг муҳим қийинчилик- лардан бири янги энергетика объект- ларини қуриш ва фаолият кўрсатаёт- ганларини модернизациялашни мо- лиялаштириш ҳисобланади. Режа- лаштирилган ва амалга оширилиши керак бўлган ишлар қўламини ҳисоб- га олсак, мамлакатнинг ўз маблагла- ри етарли эмас. Демак, белгиланган мақсадларга эришиш учун ташқи қарзлар ва хорижий инвесторларни жалб этиш ниҳоятда муҳим.

Бу борада, айниқса, олий даража- даги хорижий таширфлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари, турли мамлакат- лар инвесторлари, компаниялар раҳ- барлари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан, унинг етачки секторларидан бири — энергетика соҳасига сармоя ки- ритишга доимий қақибри келаётган Президентимизнинг алоҳида ўрни бор- лигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда янги энергетика қувватларини ишга тушириш ва қатор объектлар қурилиши бошланишига бағишланган тантанали маросимда хорижлик иштирокчилар сонига қараб ҳам хулоса қилиш мумкинки, чет эл сармоядорлари шериклик муносабатларини ўрнатиш, Ўзбекистон энергетикасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаш ҳамда бевосита иштирок этиши борасида қарор қабул қилишлари учун давлатимиз раҳбари керакли сўзларни топа олган.

Ўзбекистонда “яшил” энергетикани тараққий эттириш бўйича Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой ва Германия каби давлатлар компаниялари томонидан амалга оширилаётган йирик лойиҳалар сўзимиз исботи. Президентимиз таъбири билан айтганда, **уларнинг барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу бизга ва олиб борилаётган ислохотларимизга бўлган ишончнинг яққол ифодасидир.**

Мухаммад Абунайян билан учрашувда бугунги кунга қадар биргаликда уму- мий қиймати қарийб 3 млрд. доллар- лик 4 та лойиҳа муваффақиятли амал- га оширилганини, ўзаро ҳамкорлик жа- дал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Энерге- тика лойиҳаларини ишга тушириш ма- росими бўлиб ўтган куни Бухоро ви- лоятда “ACWA Power” билан бирга- ликда ташкил этилган, қуввати 500 ме- гаватт бўлган 2 та шомол электр стан- цияси тармоққа уланди, шунингдек, Самарқанд вилоятда умумий қуввати 1 гигаваатт бўлган 2 та қуёш электр станцияси ва Тошкент вилоятда 334 мегаватт қувватга эга энергия сақ- лаш тизими қурилишга старт берилди.

Мухаммад Абунайян Ўзбекистон билан ҳамкорликка баҳо бераар экан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ро- лини алоҳида қайд этди:

— Ўзбекистонда кечаётган ижобий жараёнлар ва эришилган салмоқли на- тижаларнинг ҳеч бири узоқни кўра ола- диган давлат етакчисисиз амалга оли- маган бўлар эди. Буюк етачки инве- стиция лойиҳаларининг мунтазам кенгайиб боришига доим катта эътибор қаратиб келмоқда.

Қайта тикланадиган энергияга ўтиш соҳаси бу ҳамма давлатлар гапир- адиган мавзу эмас, яъни Ўзбекистон Президенти ўзининг узоқни кўра оли- шига сабабли айнан бу со- ҳага жиддий эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон эса энергия алмашинуви- ни амалга ошириш бўйи- ча бутун дунёга намуна бўлаётди.

Бундай юксак баҳо давлатимиз раҳбарининг истиқболга оид қараши, куч-ғайрати ва қатъияти хорижий шерикларнинг ишончини қозониш ҳамда Ўзбекистонга хорижий инвестицияларини янада ошириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани- нинг яна бир ифодасидир.

Табиатнинг мўъжизакор тухфаси

Мамлакатда энергетика- ни ривожлантириш ҳақида гапирганда, қайта тиклана- диган энергия манбалари- дан, биринчи навбатда, қуёш ва шомолдан фойда- ланган ҳолда электр энер- гияси ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида алоҳида тўхталмасдан ўтолмай- миз. Қуёш ва шомолнинг “қучи”, ас- лида, табиатнинг мўъжизакор тухфа- сидир.

Ўзбекистонда “яшил” энергия яратилишининг бевосита гувоҳи бўлишдек ноёб имконият бизга насиб этди. Бу йил Мустақиллик байрами арафасида Энергетика вазирлиги ав- густ ойи охирида мамлакатимиз қуёш ва шомол электр станцияларида йил бошидан буён ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 3 млрд. кило- ватт-соатга етганини маълум қилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу 1 млн. 875 минг хонадоннинг саккиз ойлик электр энергиясига бўлган ижтимоий меъёрини қондирish учун етарли.

Мамлакатда ҳар йили ўнлаб мил- лиард киловатт-соат ишлаб чиқари- лаётган электр энергияси фонида “яшил” энергиянинг мазкур улуши бироз камдек кўринади. Аммо қатор ҳолатлар мавжудки, уларни ҳисобга олсак, буни мамлакатимизнинг қайта тикланувчи энергия манбаларини ри- вожлантириш борасида эришган ула- кан ютуғи, деб ҳақли равишда баҳо- лашимиз мумкин.

Ўзбекистонда 100 мегаватт қувват- га эга биринчи йирик қуёш фотоэлектр станциялари яқинда қурилган: бири — Навоий вилоятининг Кармана тумани- да 2021 йил август ойида, иккинчиси Самарқанд вилоятининг Нуробод ту- манида 2022 йилнинг май ойида ишга туширилган. 2022 йилда улар томони- дан 434 млн. киловатт-соат, 2023 йил- да 576,9 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Жорий йилда ишга туширилган янги қуёш ва шомол энергиясидан фойдаланадиган ишлаб чиқариш қувватлари томонидан мамлакатимизда 5,7 млрд. кВт/соат- дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Яқин келажақда биз мамлакатда “яшил” энергия ривожланишининг яна- да ажойиб суръатларига гувоҳ бўла- миз. Бунга жараёнинг динамикаси ишонч беради: агар сўнгги бир неча йил ичида фойдаланишга топширил- ган қуёш ва шомол электр станцияла- рининг қуввати уч гигавааттдан ошган бўлса, бу йўналишда яна 19 минг ме-

гаватт қувватга эга ўттиздан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш ишлари- нинг ниҳоясига етказилиши 2030 йил- га бориб қайта тикланувчи энергия манбалари қувватини тубдан кен- гайитириш ва унинг мамлакат умумий энергетика балансидаги улушини 54 фоизга етказишдек юксак мақсад- ни рўёбга чиқаришда катта силжиш бўлади.

Қуёш, шомол ва сув энергиясидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни жадал кенгайтириш энергетика соҳа- сини янада ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Энг му- ҳими, қуёш ва шомол электр станция- лари, гидроэнергетика қувватларини ошириш Ўзбекистон импорт қилишга мажбур бўлаётган табиий газнинг се- зиларли захираларини тежаш имкони- ни беради.

Дарҳақиқат, газ захиралари чексиз эмас. Қуёш ва шомолнинг чексиз им- кониятлари турганда, электр энергия олиш учун газни беҳуда сарфлаш, шунчаки ёқиб юбориш, юмшоқ айтган- да, мантисизликдир. Чунончи, та- биий газни қайта ишлаш орқали анча юқори қўшимча қийматга эга бўлган қўлаб турдаги яримтайёр ва тайёр махсулотларни ишлаб чиқариш мум- кин, бу эса бугунги кунда мамлаката- миз тараққийишда муҳим ўрин тутади.

Бироқ бу ҳаммаси эмас. “Яшил” энергетика Ўзбекистон учун ўта дол- зарб бўлган зарурий экологик функ- цияга эга. Мукобил энергиядан фой- даланиш атмосферага чиқадиган кар- бонат ангидрид гази миқдорини кес- ки камайтиришга имкон беради.

Келгуси икки йилда хусусий тадбир- корлар билан ҳамкорликда 2 мингдан ортиқ кичик ва микрогидроэлектро- станцияларни яратиш бўйича кенг қўламли дастурнинг амалга оширили- ши эса ҳар йили атмосферага 20 млн. тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқишига йўл қўймаслик имконини беради.

Лойиҳалар географияси кенгаймоқда

Янги энергетика қувватларини ишга туширишга бағишланган тантанали маросим таассуротлари билан бўли- шар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқчиман.

Бу энергетикада лойиҳаларни рўёбга чиқариш географияси. Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вило- ятларида бешта қуёш ва шомол электр станциялари, юқори қучланишли под- станциялар, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тўртта кичик ГЭС, бошқа худудларда электр стан- циялари ҳамда йирик сақлаш тизим- лари ишга туширилгани, юзлаб кило- метрдан иборат электр узатиш линиялари барпо этилгани аҳолига узлуқсиз равишда электр энергияси етказиб беришни таъминлайди.

Фаргона, Самарқанд, Навоий, Тош- кент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қиймати 3,5 млрд. доллар бўлган 2,5 минг мегаваттли 6 та электр қув- вати қурилишига старт берилгани энергетиканинг географияси изчил кенгайтириб борилаётганини кўрсата- ди. Бу эса нафақат аҳолини энергия билан таъминлашда узлуқсизлиқни юзага чиқаради, балки у ерлардаги са- ноатни, ишлаб чиқариш корхоналари- ни рағбатлантириб, қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Мисол тариқасида Бухоро вилояти- ни келтириш мумкин. У ерда қуввати тўрт гигаваатт бўлган тўққизта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар орасида қуввати 250 мегаватт бўлган қуёш электр станцияси бўлиб, уни “Masdar” компанияси қуради. Лойиҳа- нинг рўёбга чиқарилиши келаси йил охирига мўлжалланган, ўшанда стан- ция ағона электр тармоғига уланади. Президент иштирок этган лойиҳани ишга тушириш маросимида айтилган- нидек, “ACWA Power” ва Хитойнинг “Gezhouba” компаниялари Бухоро ви- лоятда қайта тикланувчи энергия

мажмуаларини қурмоқда. Бундай ҳамкорлик туфайли вилоятда “яшил” энергия генерация қувватлари 2030 йилга бориб 9 баробар ортади, яъни 12,5 млрд. киловатт-соатгача етади.

Қорақалпоғистон ҳам қуёш ва шомол энергияси бўйича улкан сало- ҳиятга эга. Бу жиҳатни давлатимиз раҳбари у ерга август ойида қилган таширифи давомида айтиб ўтганди. Ўшанда қатор лойиҳаларга старт берилган: улар — ХХРнинг “Sany Renewable” компанияси томонидан Қўнғирот туманидаги қуввати бир ги- гаватт бўлган шомол электр станция- си; Беруний ва Қораўзақ туманлари- даги “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда 100 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизимига эга бўлган, қуввати 200 мегаваттли шомол электр станцияси эди. Лойи- ҳалар рўёбга чиқарилган янги “яшил” энергетика иншоотлари томонидан йилга 4,2 млрд. кВт-соат энергия ишлаб чиқарилади ва бу 1 млн. 750 минг хонадоннинг йиллик эҳтиё- жини қондирishi учун етарли бўлади.

2030 йилга бориб, Қорақалпоғис- тонда умумий қуввати 10,3 гигаваатт бўлган ўнта шомол электр станцияси- ни барпо этиш кўзда тутилган. Улар фойдаланишга топширилгач, шомол энергияси ҳисобидан 35 млрд. кило- ватт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шомол электр станция- ларидан ташқари, электр энергияси таъминотининг узлуқсизлигини таъ- минлаш учун Қўнғирот, Беруний ва Қораўзақ туманларида умумий қував- ти 400 мегаваттга тенг бўлган ухта электр энергиясини сақлаш тизими ҳам барпо этилади. Қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривож- лантириш учун Қўнғирот туманида яна шомол турбиналарининг эҳтиёт қисмлари, тиргаклари ва параклари- ни ишлаб чиқарадиган корхона бунёд қилинади.

Янги энергетика қувватларини ишга тушириш маросимида йирик иншоот- лар билан бир қаторда, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида микроГЭС ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Угом-2” кичик ГЭСи ҳам фойдаланишга топширил- ди. Улардан биринчиси йилга ўртача 2,7 млн. киловатт-соат электр энер- гияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, Қумқўрғон туманидаги 950 та уй ҳўжаллигини электр энергияси билан таъминлайди. Бу шунча ҳажмда- ги электр энергиясини ишлаб чиқари- ш учун зарур бўлган, йилга ўртача 730 минг куб метр табиий газни те- жаш имконини беради.

“Угом-2” кичик ГЭСи бўлса, тўла- лигича маҳаллий жиҳозлар билан таъ- минланган ва 1,63 МВт қувватга эга. Бу ерда йилга 13 млн. киловатт-со- атгача электр энергияси ишлаб чиқа- рилади. Шу орқали Угом дарёси бўйи- да жойлашган деярли 4,6 минг уй ҳўжаллиги ва сайёҳлик иншоотларини тўлиқ электрлаштириш ва узлуқсиз ра- вишда электр энергияси билан таъ- минлаш имкони яратилади. Бунда йи- лига ўртача 3,5 млн. куб метр табиий газ тежалади, атмосферага захарли моддалар чиқарилишининг ҳам олди олинади.

Албатта, йирик электр станцияла- ри билан таққослаганда микро ва ки- чик ГЭСлар кимнидир ҳаяжонлантир- маслиги мумкин. Бироқ Ўзбекистон- нинг тоғли манзилларидаги кичик дарё ва сойлар, бошқа сув манбаларининг имкониятларини ҳисобга олсак, улар, айниқса, ўша ердаги, умумий электр таъминоти тармоғига улашни имкони- яти бўлмаган қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси учун жуда аҳамиятлидир. Бун- дан ташқари, кичик станциялардан олинадиган электр энергияси нисба- тан арзон, айниқса, одатдаги электр энергияси нархи билан солиштирган- да. Бундай кичик гидроэлектр стан- цияларини минглаб қуриш мумкин. Иборали айтганда, улар кичик “жил- галар”дан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг умумий “дарёсига” ке- либ “қуйилади”.

Ўқтир РАҲМАТ.

УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида бўлиб ўтган йиғилишларда сўзлаган нутқларида мамлакатимиз тараққиётига оид кўплаб долзарб масалалар юзасидан ўта муҳим тақдир ва ташаббуслар илгари сурилди. Мазкур нутқларда билдирилган фикрлар, парламент аъзолари билан муҳокама этилган гоёлар, мақсад ва вазифалар моҳиятан Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномаси бўлди.

Нужтаи назар

Хусусан, 2025 йилнинг Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши табиати муҳофаза этиш ва барқарор ривожланишнинг глобал тенденцияларига мос келаётган тараққиёт йўлини белгилаш борасида ташланган муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари бугун иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ифлосланиши, туپроқ эрозияси, чулланли, қазиб олинмаган ёқилгидан назоратсиз фойдаланиш каби салбий оқибатлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда сезилаётганига эътиборни қаратди. Мутахассислар фикрича, иқлим ўзгариши натижасида 2050 йилга бориб Марказий Осиё минтақасида сув ресурслари 10 — 15 фоиз камайиши, ер деградацияси туфайли қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги 20 — 30 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Углерод чиқиндилари йиллик ҳажми 400 миллион тоннани ташкил этади. Мавжуд ҳайвон ва ўсимлик турларининг 12 фоизи йўқолиш хавфи остида. Сув ва ҳаво ифлосланиши сабабли минтақада ҳар йили 50 мингдан зиёд инсонлар турли сурункали касалликлардан вафот этади. Ушбу рақамлар минтақадаги экологик муаммолар жиддийлигини кўрсатади ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади.

Ўзбекистонда ушбу таҳдидлар таъсирини камайтириш мақсадида муҳим қадамлар қўйилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси экологик маданиятни ривожлантириш, яшил ҳудудлар яратиш ва табиий ресурсларни мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан эътиборга молик. Қўшни давлатлар билан ишлаб чиқилган минтақавий иқлим стратегияси эса барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик юксак даражада чиққанини ифода этади. Бу борада Тошкент шаҳрида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети очилиши илм-фан ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлибгина қолмай, глобал экологик муаммоларни ҳал этишга қодир, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ томонидан қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги фаол роли ва табиати муҳофаза қилиш бўйича глобал сазй-ҳаракатлардаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик тадбиркорлик ва инновацион технологияларни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, қўшимча иш ўринлари очиб имконини беради. Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг экологик масъу-

лияти ва барқарор ривожланаётган давлат сифатида халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, янги технологияларни жорий этиш ва юртдошларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш, яшил ҳудудларни сезиларли даражада кенгайтириш, чиқиндилар муаммосини ҳал этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистонда табиати муҳофаза қилиш, жумладан, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Орол бўйи ҳудудида яшил майдонлар яратиш, экологик мувозанатни тиклаш ишида мамлакатимиз вилоятлари фаол иштирок этмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг топишириғига асосан Қорақалпоғистон Республикасининг Ҳўжайли туманига Бухоро вилояти масъул қилинган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Бухоро вилояти тажрибасига таянган ҳолда ўзаро ҳамкорликка асосланиб мазкур ҳудудда кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Хусусан, Бухоро давлат педагогика институтини ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини ўртасида имзоланган меморандумга асосан олийгоҳимизнинг кўнгилли ходимлари ва талабалари Мўйноқда қатор чора-тадбирларни амалга ошириди. Мўйноқ тумани иқлимга мос келаётган уч минг туп қайрағоч, жийда, саксул кўчати ва уруғи, қандим, черкес кўчати экилади. Туман ёшлари билан учрашувлар ўтказилиб, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Ўзбекистон ўз олдида юксак марралар қўйгани давлатимиз раҳбарининг ҳукумат ва парламент фаолияти масалаларига бағишланган, қўшимча иш ўринлари очиб имконини беради. Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг экологик масъу-



мини 160 млрд. долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Дунёда зиддиятлар, қарама-қаршиликлар давом этаётган бир паллада бундай юксак кўрсаткичга эришиш осон эмас. Бироқ ўз вақтида зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани, барча имконият ишга солингани туфайли шу йилнинг ўзидаяқ ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 млрд. долларга етиши кутилмоқда. Агар ислохотлар шиддатини пасайтирмасдан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, 2030 йилга бориб 200 млрд. долларлик маррани заҳт этишимиз мумкин. Бу эса аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини кескин яхшилашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ана шу

марралар ҳақида тўхталиб, бунга эришиш учун куч ва имкониятимиз, салоҳиятимиз етарли эканини алоҳида таъкидлади. Ислохотларни изчил давом эттириш ва кўзланган марраларга эришиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий муассасалар 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодий энг тез ўсаётган учта давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Бу эса давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг тўри эришиш учун куч ва имкониятимиз, салоҳиятимиз етарли эканини алоҳида таъкидлади. Ислохотларни изчил давом эттириш ва кўзланган марраларга эришиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий муассасалар 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодий энг тез ўсаётган учта давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Бу эса давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг тўри

Ўзбекистон катта мақсад ва марраларни забт этиш учун интилаётган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва сўзига эга бўлган мустақил давлатдир. Демак, давлатнинг ҳар бир фуқароси, депутати, сенатори, раҳбар ёки ходими, ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Бугун дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган нотинчлик, экологик ва техноген фожиалар, қисқача айтганда, глобал таҳдидлар бутун инсониятни ташвишлантираётгани бот гап. Ушбу долзарб масала Президентимиз нутқида алоҳида тилга олинди. Негаки, бундай шароитда юртимизда тинчликни асраб-авайлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш барчамиз

йўлда эканидан далолат. Иқтисодий ўсишдан кўзланган асосий мақсад, бу — аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, халқнинг розилига эришиш.

Иқтисодий ислохотлар сабаб келгуси беш йилда аҳоли жон бошига даромадни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш, кўрсатилаётган табиий хизматлар қамровини кенгайтириб, тўлиқ табиий суғурта тизимига ўтиш мақсад қилинган.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Шундай экан, ижтимоий ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу ҳақда сўз кетар экан, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишлари кўз олдимизга келади. Қувонарлиси, кейинги йилларда мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, барча ҳудудда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, ходимлар томонидан маҳалаларда аҳолига 100 дан ортқ турдаги хизматлар қўрсатилаётгани ислохотлар мевасидан, аввало, халқимиз баҳраманд бўлаётганини аниқлатади. Демакки, Ўзбекистондаги ислохотларнинг тўз замирида, биринчи навбатда, инсон манфаатлари ётади. Ҳар қандай йўналишдаги ислохотлар алоҳида ўрганилса ва тадқиқ қилинса, пировард мақсад халқимиз турмуш даражасини тадрижий равишда яхшилаб боришга қаратилгани юзага чиқиб келаверади.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш жоиз. 2025 йилда 1 млн. аҳолини камбағалликдан чиқаришдек хайрли мақсад Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Бу айтишга осон. Уни амалга ошириш учун ҳар биримиздан, аввало, бирдамлик, қатъийлик, интизом ва меҳнат талаб этилади. Бу мақсадни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мазкур йўналишда тажриба орттирилган, эришилган натижалар бор. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Унга мувофиқ иш ўринлари яратиш, уларга оғир иқтисодий аҳволдаги оилалардан ишчилар жалб қилган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредитлар ва бошқа энгилликлар берилмаётди.

Мазкур ҳужжатнинг узвий давоми ўлароқ жорий йил 23 сентябрь куни қабул қилинган “Камбағаллик-

ни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент Фармони ҳам айни йўналишдаги ислохотлар тадрижийлигида муҳим аҳамият касб этди. Ҳужжатда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминлангани камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратгани ҳамда 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилингани қайд этилган. Шунингдек, Фармонда юқори даромадли барқарор иш ўринлари яратиш ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларга инновацион ва рақамли технологияларга асосланган таълим бериш ва касбухунар ўргатиш, барча қатламнинг табиий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 млн. аҳолини камбағалликдан чиқариш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган. Ушбу мақсадда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури маъқулланди ва у “Камбағал оилалар учун еттигата имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширила бошланди. Мақсад — халқнинг эртага эмас, бугун фаровон яшашига эришиш.

Улуғвор марралар парламент ва ҳукумат фаолиятида, барча соҳа ва тармоқларда ишни янгилаш тамойиллар асосида ташкил этилиши, халқимизга садоқат билан хизмат қилишни тақозо этади. Энди ҳеч биримизнинг эскича ишлашга ҳақимиз йўқ. Бир ҳақиқатни унутмаслик шарт: фаолиятимиз, аввало, халқимиз назоратида бўлади.

Дарҳақиқат, 2016 йилда бошланган очиклик сиёсати, демократия, сўз эркинлиги аҳолининг билим ва кўникмаларини, қарашларини бутунлай ўзгартириб юборди. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида тараққиётнинг ортага қайтмайдиган қатъий ва ишончли йўлга тушиб олган. Халқ билан мулоқотнинг жаҳон тажрибасида учрамайдиган мутлақо янги услублари ишлаб чиқилган. Ватанимиз олдидаги вазифамиз улуғвор, шу билан бирга, ўта масъулиятли эканини Президентимиз қисқа ва кўндалмайдиган тизимда ҳаммамиз халқ хизматкори эканимиз уқтирилди. Мақсад аниқ — халқни рози қилиш.

учун асосий вазифа ҳисобланади. Зеро, тинчлик — бу нафақат давлат сиёсатининг устувор йўналиши, балки халқимизнинг барқарор ҳаёти учун асосий пойдевор. Юртимизда олиб борилаётган тинчликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган сазй-ҳаракатлар ҳам ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Бу сиёсат орқали халқнинг давлатга бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Шундай экан, ҳар биримиз ўз сазй-ҳаракатимиз билан халқимиз ва жамиятимиз манфаатларини кўзлаб, юртдошларимизнинг оғирини энгил қилишга интиломимиз лозим.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институтини ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ғолиблар хорижга саёҳатга юборилади



Хабарингиз бор, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан аждоқларимизнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб қилиш орқали ўқувчиларни китобхонликка жалб этиш мақсадида “Жадидлар изидан” республика танлови ташкил қилинган.

Кеча бутун мамлакатдан саралаб олинган танлов иштирокчилари пойтахтдаги “Туркистонга мактуб” жадидлар кўргазмасида бўлишди.

Маълумот учун, Тошкент шаҳрида 18 — 20 декабрь кунлари танловнинг республика босқичи ўтказилади. Унинг якунларига кўра, ҳар бир синф тоифаси бўйича энг юқори балл тўплаган 7 нафардан I, II, III ўрин ғолиблари ҳамда энг юқори балл тўплаган иштирокчилар хорижий давлатга таълим саёҳатига юборилади.

Ўзбекистоннинг 7 та университети эътироф этилди



Ўзбекистоннинг 7 та олийгоҳи “QS” агентлигининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш соҳасидаги энг яхши университетлар рейтингидан жой олди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хабарига кўра, 10 декабрь куни олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлиги “Quacquarelli Symonds” (QS) 2025 йил учун Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича жаҳондаги энг сара университетлар рейтингини — “QS Sustainability Rankings 2025”ни эълон қилди.

Дунёнинг икки мингга яқин университетларини қамраб олган мазкур рейтингдан мамлакатимизнинг етти та университети жой олди. Улардан биттаси ўтган йилги ўз ўрнини яхшилаган бўлса, тўрттаси рейтингга биринчи марта киритилди.

Фарзандингизни бир мактабдан бошқасига кўчирмоқчимисиз?



2025 йил 1 январдан бошлаб бир мактабдан бошқасига кўчириш бўйича давлат хизмати 45 та туман ва шаҳарда жорий этилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хабарига кўра, фуқаролар мактабга бормаган ҳолда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки вазирлиқнинг электрон платформаси (my.maktab.uz) орқали онлайн ариза юбориши мумкин бўлади.

Давлат хизмати бепул амалга оширилади. Электрон қабул тизими ота-оналарга қулайлик яратиш билан бирга бюрократик тўсиқлар, оворагарчилик, инсон омиллини камайтиришга қаратилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.



АРНАСОЙ ҚУЛУПНАЙЛАРИ

Бир пайтлар Арнасой тумани дейилса, кўз ўнгимизда, асосан, пахта ва ғалла етиштирилайдиган, ерини шўр босган чўл ҳудуд намоён бўлар эди.

Омилкорлик

Бугунги кунда эса Арнасой иқтисодий кўрсаткичлари яшиланиб бораётган, чет эл инвестицияси фаол жалб қилинаётган туманлар сирасига кириб улғурди. Бу масканнинг тадбиркор инсонлари ҳар жабҳада фақат олдинга интилаётгани ҳудуднинг ёрқин келажагидан далолат.

Президентимизнинг 2022 йил 2 ноябрдаги “Иссиқхона хўжаликлари фаолияти са-

марадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ихроси ҳам мазкур туманда намунали йўлга қўйилган. Хусусан, Гафур Фулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи тадбиркор Олим Шаминов ўз хонадонидagi 2 сотих майдонда гидропоника усулида қулупнай етиштирмоқда.

— Қулупнай парвариши ўта нозик ишлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифат-

ли амалга ошириш талаб этилади. Иссиқхонадаги ҳарорат ҳам меъёрида бўлиши муҳим. Бундан ташқари, нав танлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Танланган нав ерининг таркиби, унумдорлигига, экилган ҳудуд иқлим шароитига мос бўлмаса, кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди, — дейди О. Шаминов.

Тадбиркор ҳозир етиштирган қулупнайларини, асосан, ички бозорга, савдо мажмуаларига етказиб бериб, яхшигина даромад олмақда.

“Халқ сўзи”.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва тоқзорлар ташкил қилинади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезитнинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитнинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезита таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезитнинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мушаххис — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6